


# ТАФАККУР ВА ТАЛҚИН

*(Магистратура талабалари ва ёш олимларнинг  
илмий мақолалар тўплами)*

**“Халқ билан муроқот ва инсон  
манфаатлари” йилига бағишиланади**



**Бухоро - 2017**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН  
МАНФААТЛАРИ” ЙИЛИГА БАГИШЛАНАДИ**

**ТАФАККУР ВА ТАЛҚИН**

**(Магистратура талабалари ва ёш олимларнинг  
илемий мақолалар тўплами)**

**“Дурдана” нашриёти**

**Бухоро, 2017**

oeuvres. Paris, 1962.

3. BBC Radio 4's "15 March 2007 edition of "In Our Times" edition on Epistolary Literature Hosted by Melvyn Bragg."

4. Samuel Richardson. Pamela: or, Virtue Rewarded. 1740

5. [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org)

6. [www.britannica.com](http://www.britannica.com)

## ЖОНДОР ТУМАНИ МИКРОТОПОНИМИЯСИГА

### ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

М. Нарзуллаева БухДУ магистранти

Маълум ҳудуд топонимларини лингвистик, этнографик ҳамда тарихий-филологик жиҳатдан тадқиқ қилиш бугунги кун учун долзарб ва катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

Мустақилликкагача бўлган даврда мамлакатимиз ҳудудидаги кўпгина топонимлар хукмрон мафкура манфаатларига зидлиги сабабли ўзгартирилди. Ўзбек миллиати тарихига мос бўлмаган, миллий-маданий қадриятларимизга бегона номлар катта салмоқ билан оммалашди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлига киритган ilk йиллардан бошлаб маъмурий-худудий бирликлар номини тартибга солиш бўйича тизимли ишлар бошлаб юборилди. Шу ишлар натижаси сифатида узоқ давр мобайнида Свердлов номи билан аталган Жондор тумани ҳам ўзининг тарихий номига эга бўлди.

Жондор тумани расман 1935 йил 17 январда ташкил топган. 1962 йилдан 24 декабрдан Бухоро ва Ромитан туманлари таркибида бўлган, 1967 йил 9 январда кайта тузилган. Туман вилоятнинг Олот, Коракўл Бухоро, Ромитан, Пешку туманлари билан чегарадош. Майдонининг кенглиги 5,17 минг км<sup>2</sup>ни ташкил этади [1, 624-625].

Жондор тумани 8та шаҳарча (Жондор, Далмун, Самончук, Кўлиён, Ушот, Ҳазорман, Тобагар, Чорзона), 13 та қишлоқ фуқаро йигини (Мирзаён, Ромии, Лоло, Далмун, Охших, Алели, Навработ, Сепатта, Қароли, Ҳумин, Пўлоти, Ҳумдонақ, Самончук), 30 та маҳалла фуқаро йигини (Пахтакор, Зарафшон, Навгади, Қазоқон, Оқтепа, Луқмон, Жамият, Қовчин, Намгони ва бошқалар), 146 та аҳоли пунктидан иборат.

Жондор тумани топонимларини тадқиқ этар эканмиз, аввало Жондор топонимининг келиб чиқиши борасидаги фикрларни баён этишимиз лозим. Чунончи, тарихий манбаларда Жондор атамаси XVI асрдан бошлаб учрайди. Тарихчи олим А.Муҳаммаджонов ўз ишида Зарафшон дарёсида устида қурилган кўприк Пули Жондор дейилганлигини, маҳаллий ахоли эса уни кўпроқ Пули Абдуллахон номи билан юритганлигини қайд этади [2, 130].

Жондор атамасининг тарихда ўрин эгаллаши ҳамда бугунги кунгача етиб келишида ўз ҳиссасини қўшган шахс Мирзо Муҳаммад Содик Мунший Жондорий хисобланади. Бу борада адабиётшунос олима Д.Каримова маълумоти эътиборга лойик [3, 3]. Мавжуд фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Жондор топонимининг этимологияси асосида уч хил маъно шарҳланади. Биринчидан, бу ном тирик мавжудот, жонивор маъносини ифодаласа, иккинчидан, Мовароуннахрда хусусан қорахонийлар ва хоразмшоҳлар даврида ясовулбоши; Салжуқийлар даврида жондорлар қўриқчилик ва жаллодлик вазифаларини адо этган жангчилар бўлиб, уларнинг бошлиғи амири жондор увонига эга бўлган. Улар сомонийлар даврида соҳиби харос (амири харос) деб аталган. Хоразмшоҳ Такаш ҳужжатларида жондор шурат (шахсий гвардия)нинг донгдор кишиларидан; сўнгти хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди вақтида Шом волийларидан бири жондор увонига эга бўлган, қолаверса бу атаманинг қуроласлаҳа эгаси, дўст ва мададкор каби маънолари ҳам борлиги қайд этилган [4, 625].

Бизнингча, Жондор тумани худудида кенг дашт, сахро мавжудлигини инобатга олиб, биринчи қайд этилган маънода асос бор деб ўйлаймиз.

Туман топонимлар мавзу жиҳатдан жуда ранг-барангdir. Улар сирасига уруғ, қавм, касб-хунар, шахс номи, худуднинг рельефи, табиати ва бошқаларни ўзида акс эттирган номларни киритиш мумкин. Ҳудудда қадимги туркий қавмлар номи билан аталган топонимлар салмоқли ўринни эгаллади. Чунончи, Қовчин (қишлоқ ахоли пункти, Охшиҳ ҚФЙ, Қовчин МФЙ худудида) топонимини шундай номлардан биридир.

Қовчинлар 13-14-асрларда ўзбек ҳалқи тартибида катта нуфузга эга бўлган. Тадқиқотчилар бу этномимни туркий, мўғул

ва тунгус-манжур тилларига хос сўзлардан таркиб топғанлигиги қайд этишган. Бухоро амирлигининг аҳоли пунктлари ҳакида маълумот берувчи манбада қовчин этнонимининг олчин, уйшун, авжун, бойсун, кулчан, қарчин номлари билан алоқадорлиги қайд этилган [5, 77]. Қовчин этноними тарихан икки асосдан иборат бўлиб, қов (кув, куу, хуу, гув) – оқкуш, чин – одам, халқ, яъни оқкушни ўз тотеми<sup>\*</sup> ҳисоблаган одамлар, халқ маъносини ифодалайди. Бугунги кунда мазкур этноним факат қишлоқ номи сифатида қўлланади. Бу ҳақда машҳур топонимист олим Тўра Нафасов ҳам маълумот берган [6, 376-377].

Шундай номлардан яна бири Мангит (Наврабод ҚФЙ, Коровул МФЙ ҳудудида) топонимидир. Мазкур топоним Бухорода Мангит; Самарқандда Мангитобод, Мангитон, Мангиттепа, Оқманғит; Хоразмда Мангитсолма, Мангитёп; Қашқадарёда Мангит, Мангиттўп каби қишлоқ номи сифатида қайд этилса, Қорақалпоғистон Республикасида эса туман номи сифатида мавжуд.

Мангит ўзбек халқи таркибидаги энг қадимий, йириқ қабила бўлиб, унинг оқманғит, кораманғит, чолманғит, наламанғит каби тармоқлари мавжуд.

Мангит – туркий, мўғул, тунгус-манжур тилларига, яъни уларнинг ўтмишдаги олтой боботилига тегишли сўз. Мўғулча шакли мянгад бўлиб, рус тилшунослари мангол қабиласи сифатида изоҳлаганини кузатиш мумкин [6, 254].

Мўғул тилида манг – минг (1000) маъносини ифодалаци инобатта олинса, мангит – минг деган маънони англатади. Бу туркийларнинг қирқ, юз (жуз) каби уруғ номлари билан алоқадор [7, 162].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Жондор тумани топонимлари мамлакатимиз жой номларининг ажралмас бир қисми сифатида ўзининг бой тарихи ва узоқ шаклланиш босқичларига эга. Уларни тўплаш, тизимга солиш ҳамда тарихий-этимоогик жиҳатдан таҳлил этиш бугунги кун топонимияси учун

\* (Шимолий Америка индеецларининг ожибве қабиласи тилидаги “ото-тем” – “унинг уруги” сўзидан олинган бўлиб, ибтидоий диний эътиқодларнинг илк шаклларидан бири. У кишиларнинг маълум гуруҳи билан ҳайвон ва ўсимликларнинг муайян тўрлари (баъзан табиат ходисалари, жонсиз нарсалар) ўргасида ғайритабиий алоқа, қонқариндошлиқ бор деган эътиқодга асосланади)

муҳим аҳамият касб этади.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдик, 3-жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2002, 624-625-б.
2. Мухаммеджанов А.Р. Средневековые мосты – водоизмерители на Зарафшане. ИМК Узбекистан. Вып. 8. Т., «Фан», 1969, С. 130.
3. Каримова Д. Содик Мунший – Жондорнинг ширинкалом шоири. “Фан”, Т., 2001, 3-бет.
4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдик, 3-жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2002, 625-б.
5. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – нач. XX вв.) – Т.: Университет, 2001, с. 77.
6. Монгольско-русский словарь. М.: 1957, с. 254.
7. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. Қашқадарё вилояти қишлоқлари номининг тадқики. Т.: Мұхаррир, 2009, 376-377-6.

**ОЦЕНКА КАЧЕСТВА ГИДРОГЕЛЕЙ ОКИСЛЕННОГО  
КРАХМАЛА И ЗАГУЩАЮЩИХ КОМПОЗИЦИЙ НА ЕГО  
ОСНОВЕ**

**Б.Б. Олимов Магистрант БухГУ**

**Abstract:** In the article the quality of hydrogels of the rice starch's oxidized modification and thickening compositions on the it's basis is learnt and comprised.

**Аннотация:** Бу мақолада оксидланган ҳамда модификацияланган гуруч крахмали асосида қуюқлаштирувчи композицион гидрогеллар олиш ва уларнинг сифати ўрганилган.

В некоторых текстильных предприятиях при набивкихлопчатобумажных печатаниях тканей в качестве загустителей печатных красок все ещё традиционно используется кукурузный крахмал нативном виде, что отрицательно оказывается на качестве печати [1]. Кроме того, приготовление загусток из немодифицированного крахмала требует длительной термической обработки, что сопряжено со значительными энергозатратами.

## МУНДАРИЖА

	Сўз боши	3
Акрамова Г.М., Арслонов Қ.П.	15-16 ёшдаги мактаб ўқувчилари ўртасида енгил атлетика спорт турига қизиқишини ошириш тамойиллари	5
Akramov I.I., Rasulov Z.	Dunyoning lisoniy manzarisini tasvirlashda iboralarning o'rni	8
Abdullayev H.H., SHomurodov T.R.	Chorvachilik va parandachilikga ixtisoslashgan fermer xo'jaliklarida biogaz ishlab chiqarish istiqbollari	12
Arabov U.H.	Qaror va farmoyishlar bazasini shakllantirishda axborot texnologiyalarining o'rni, f9 dasturi.	14
Axmedov A., G'afurov K.H.	Texnologik jarayonlarni akt asosida boshqarishda dasturlar ishlab chiqish texnologiyasi	18
Bafayeva Z.KH., Artikova KH.T.	Physical and chemical properties of historically irrigated pasturable alluvial soils of the Bukhara oasis	23
Бафаева З.Х., Артикова Х.Т.	Экологическое состояние орошаемых почв Бухарского оазиса	26
Восиева Ш., Гадоева М.И.	Инглиз тилида отларнинг аффиксация усули билан ясалиши	31
Вохидова З.Н., Асадова С.С., Файзиллоева Н.Б., Раҳмонов И.М.	Замонавий тикув машиналарида динамик зўриқишининг салбий окибатлари ва уларни бартараф этиш йўллари	35
G'afurov M.O. Ergashev S.	Tezligi rostlanadigan elektr yuritmalaridagi dinamik jarayonlarning "matlab" dasturidagi tahlili	38
Djafarova N.A.	Turizmdagi statistik hisob usullari dunyo mamlakatlari misolida	42
Джураева З.И., Бакаева М.К.	Проблема положительного героя в рассказах редьярда киплинга о маугли	47
Djurayeva M.Z.	Jismoniy madaniyat ta'liming testlash va	52

Kadirov R.X.	baholash amallari to'g'risida	
Jamolova Z.N.	Asqar Mahkam she'rlarida tasavvufiy tuyg'ular talqini	57
Jumayeva Z.Q.	Davlat xaridlarini tashkil etishning nazariy asoslari	60
Жумаева З.К.	Миллий иқтисодиёт самарадорлигини аниқлашда ялпи ички маҳсулотнинг ўрни	63
Zaripov K.Y.	The effect of economy concept into linguistic changes of morphologic units	
Rasulov Z.I.		66
Исломов Б.Б., Мирзоев Н.Н.	Бўстон 110/35/10 квли подстанциясини модернизация қилиш даврида рақамли ва микропроцессорли реле ҳимоя қурилмаларини қўллаш орқали ҳимоя тизимини ишончлилигини ошириш	69
Исматов С.Р.	Бошланғич синф ўқувчиларида ижодий қобилиятларни тарбиялаш	72
Karimov R.S., Jalolov O.I.	Moodle tizimida statistik hisobotlarni boshqarish	78
Kurbanova M.X.	Turistik masumiylilik muammoсини bartaraf etishning jahon amaliyotidagi chora-tadbirlari	83
Mansurova M.A.	Ekstremal vaziyatlarda shaxs psixikasida yuzaga keladigan holatlar tasnifi	87
Mehmonqulova F., Mo'minov X.I.	Qishloq xo'jaligi mahsulotlari etishtirishning tahlilida dinamika ko'rsatkichlaridan foydalanish	90
Муродов Б.К.	Процесс производства нефтяного твердого парафина	94
Муҳаммаджанова С., Курбонов Ф.А.	Тикув машиналари механизmlарининг конструкциялари ва ишчи органларига . кўйиладиган қатъий талаблар	97
Мўминов Х.И.	Юқори маълумотлилар кўчиши: назария ва амалиёт	101
Naimova A.M.	Epistolyar janr genezisi	106
Нарзуллаева М.	Жондор тумани микротопонимиясига доир мулоҳазалар	109